АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

# ИНСОН ва ҚОНУН

2002 йил 24 СЕНТЯБР сешанба
№ 38 (294)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

To`rtinchi hokimiyat

## СЎЗ ҚАДРИ ВА ҚУДРАТИ

Яқинда бир танишим билан баҳслашиб қолдик. Олий маълумотли, ўзини зиёли ҳисобловчи танишимнинг фикрича, бугунги ўзбек матбуоти ўз олдига қўйган вазифани уддалай олмаяпти. Унинг фикрларини бутунлай инкор этмаган ҳолда тушунтиришга ҳаракат қилдим. Йўқ, журналист сифатида эмас, оддий ўқувчи сифатида ҳам янгиланаётган матбуот учун уни демократлаштириш бир қадар оғир кечаётганини, бу жараён бир кунда амалга ошиб қолмаслигини, бунинг учун маълум вақт, тажриба талаб қилинишини айтдим. Лекин у буни тушунишни ҳам истамасди. Унинг фикрича, ҳаммаси жуда оддий ва осон. Айтайлик, нега энди бизнинг матбуотда сиёсатчилар, катта-кичик раҳбарларнинг шахсий ҳаётлари ҳақида ёзилмайди? Ахир, хориж матбуоти ҳар қандай раҳбар ҳақида, унинг шахсий ҳаёти, турмуш тарзи — у ичадими, чекадими — хуллас, барча икир-чикирлар хусусида бемалол ёзади-ку?! Нега бизда шундай эмас, деб сўради. Тўғриси, шундан сўнг у билан бекорга баҳслашганимни англаб қолдим. Ахир, матбуотнинг вазифаси, журналистнинг жасорати қай бир раҳбарнинг ёки машҳур арбобнинг шахсий ҳаётини ёритиш билан белгиланади, деб фикр юритаётган одамга нимани ҳам тушунтириб бўларди?! Фақат бу баҳс мени бир ижодкор сифатида матбуот, унинг вазифалари ҳақида ўйлашга ундади.

Бизда "шарқона одоб" деган тушунча бор. Бу ибора замирида бизнинг яшаш тарзимиз, фикрлашимиз, ички дунёмиз билан боғлиқ катта ҳикмат бор. Агар журналистикага ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб ёндашадиган бўлсак, танишимнинг ҳамма саволларига бир йўла жавоб топилади. Қолаверса, бирор-бир машҳур кишининг нима еийши-ю, бўш вақтида нима билан шуғулланиши ёки маъшуқаси бор-йўқлигини билиш муштарийга нима учун керак, деган саволни ҳам бериб кўриш керак. Мазкур саволнинг жавоби ҳам кўп нарсага ойдинлик киритади.

Тўғри, айрим хорижий газеталарда мамлакат раҳбаридан тортиб, машҳур артистларнинг шахсий ҳаётидаги икир-чикирлар ҳам батафсил ёритиб борилади. Бу «ёритиш»лар баъзан шунчалик одоб-ахлоқ доирасидан чиқиб кетадики, ҳатто баъзан бу ҳақда ўйлашга уялиб кетасан, киши. Ахир, бирор-бир хонанданинг янги маъшуқаси кимлигини билиш бирор-бир муштарийга маънавий озуқа бера оладими? Агар шуни жасорат ёки журналистик маҳорат деб аташ мумкин бўлса, бундай жасоратнинг ҳам, маҳоратнинг ҳам ҳеч кимга кераги йўқ. Юқорида айтиб ўтганимиздек, у шарқ халқлари одоб-ахлоқига тўғри келмайди.

Афсуски, баъзи-баъзида бўлса-да, айрим газеталаримизда ҳам ана шунга ўхшаш мақолалар учраб қолаяптики, бу иллатнинг олдини олиш керак. Айниқса, баъзи бир хусусий нашрларда фақат икки кишининг орасида бўладиган муносабатлар шунчалик очиқ-ойдин баён этиладики, киши наҳотки шу газеталарда ҳам ўзбеклар ишлаётган бўлса, деган истиҳолага бориб қолади. Ахир, ҳеч қачон бирон ўзбек аёли "Мен бугун Тоҳирга турмушга чиқдим-у, лекин ҳамон Ботирни яхши кўраман", деган фикрни айтганми? Газета орқали кўпчиликдан маслаҳат сўраганми? Йўқ, албатта. Лекин афсуслар бўлсинки, айрим нашрларда худди шундай тўқима "хитоб"лар ҳам чоп этилмоқда. Энг ёмони, уни сиз-у биз, шунингдек, изимиздан улғайиб келаётган ёшлар ҳам ўқишмоқда. Бундай мазмундаги мақолалар дунёқараши шаклланган кишига таъсир қилмаслиги мумкин. Лекин энди балоғат ёшига етаёган, дунёқараши шаклланиб улгурмаган йигит-қизларимиз бундай мақолалардан қандай маънавий озуқа олади?! Ҳамма гап ана шунда.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Мен мазкур фикрларим билан бугунги журналистикамизда камчилик йўқ, биз мукаммал ишлаяпмиз, дейиш фикридан мутлақо йироқман. Тан олиб айтиш керак, биз замон талаблари асосида ишлай олмаяпмиз. Давр бизнинг зиммамизга юклаётган масъулиятли вазифани керакли даражада бажара олмаяпмиз ва бунинг ўзига яраша сабаблари бор.

Хўш, давр билан ҳамнафас бўлиш учун бугунги журналистдан нималар талаб қилинади?

Менинг назаримда, бунинг учун ҳамкасбларимиз ҳар куни ўзларига бугун давр олдимизга қандай талаб қўяяпти ва мен уни қай даражада уддалаяпман, деган саволни ўзига қайта-қайта бериши ва ана шу саволга виждонан жавоб бериши керак. Ана шундагина бугунги журналист ҳам, бугунги матбуот ҳам ўз вазифасини бажариши мумкин. Президентимиз истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ҳақида деярли ҳар бир нутқларида тўхталиб ўтади, йўл-йўриқ кўрсатади, биз — журналистларни жасоратли, давр билан ҳамнафас бўлишга даъват этиб келади. Жумладан, Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида ҳам Юртбошимиз бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, шундай таъкидлади: "Оммавий ахборот воситалари том маънода тўртинчи ҳокимият даражасига кўтарилмоғи лозим. Шуни таъкидлаш кераккки, бу йўналишда кўп ишлар қилинмоқда, лекин уларни ҳали олдимизда турган, қилиниши лозим бўлган ишлар билан мутлақо солиштириб бўлмайди. Бу тўғрида гапирганда, оммавий ахборот воситалари фаолиятига оид бўлган баъзи бир масалалар ҳақида тўхталиб ўтиш ўринли, деб биламан. Шуни очиқ айтишимиз кераккки, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари узоқ вақтлар давомида мафкуравий ва маъмурий назорат остида ишлагани туфайли уларнинг ҳали-бери бу ҳолатдан чиқиши, аввало, психологик жиҳатдан ўзини эркин ҳис этиши қийин кечмоқда. Шу сабабли улар ўзи учун янги бўлган ҳозирги вазиятда баъзан ҳали ҳам нима қилиш ёки нима қилмаслик ҳақида юқорида кўрсатма кутиб ўтиргандек кўринади".

Дарҳақиқат, таъкидлаб ўтганимиздек, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ҳозирги пайтда давр уларнинг олдига қўяётган талабларни тўлиғича адо этолмаётир. Биргина мисол. Айтайлик, бирор-бир катта йиғин ёки тантана ҳақида барча газеталар бир хил ахборот ёки мақолани чоп этади. Ваҳоланки, ўша йиғин ёки тантанада кўпчилик газеталарнинг вакиллари иштирок этади. Лекин ана шу тадбирларда қатнашган журналистлар ўз мулоҳазаларини эмас, балки ахборот агентликларининг хабарларидан фойдаланишни афзал билишади. Шу ўринда табиий савол туғилади: нега? Бу саволнинг жавоби битта. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, бу уларнинг ўзларини психологик жиҳатдан ўзини эркин ҳис этишга тайёр эмаслигига бориб тақалади. Агар ўзлари ёзадиган бўлса, гўё хато қилиб қўйишдан чўчишади. Шунинг учун энг осон ва бехавотир йўлини танлаб, ахборот агентликлари хабарларидан фойдаланиб қўя қолишади.

Истиқлол йилларида журналистика ва сўзга нисбатан бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Журналистика тўртинчи ҳокимият мақомини олди. Журналистлар Президентимиз таъбири билан айтганда, одамларнинг энг зарур дўсти ва ҳамроҳига айланди. Журналист фаолиятининг тўлақонли ҳуқуқий асоси яратилди. Булар секинлик билан бўлса-да, ўз самарасини бермоқда. Бироқ ҳали бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар жуда кўп.

Бугун даврнинг ўзи журналист, қалам аҳлининг олдига катта талабларни қўймоқда. Оммавий ахборот воситаларини тўртинчи ҳокимият дея эътироф этилиши, журналистлар зиммасидаги масъулиятнинг юқори эканлиги ҳам шу билан изоҳланади. Бундан ташқари, журналистнинг жамиятда тутган мавқеи жуда кўп омилларни ўзида ифодалайди. Бу эса қудратли куч демакдир. Ана шу кучдан оқилона фойдаланиш учун жамият аъзоларининг ҳар бири ўзига хос уйғунликда ҳаракат қилмоғи лозим. Қачонки, турфа ҳаракатлар ягона тизим шаклини олсагина, кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Халқимизнинг мақсади аниқ — келажаги буюк, озод ва обод жамият барпо этиш. Шундай экан, биргина масъулиятли вазифа олдимизда кўндаланг турибди — ҳаракатларимизни ана шу умумий мақсад йўлида мувофиқлаштириб олишимиз зарур. Ана шунда журналистнинг сўзи ҳам қудратли, ҳам қадрли бўлади ва тўртинчи ҳокимият том маънода жамият таянчига айланиб, унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшади.

**И. ҲАМРОЕВ,**
**журналист**



*Мавжларида осмоннинг акси...*

Zamon talablari

## ҚОНУН ВА ҚАРОР УЙҒУНЛИГИ

Мамлакатимизда давлат бюджетини ташкил этувчи манбалардан бири бўлган солиқ тизимига катта эътибор қаратилмоқда. Бу ўз навбатида солиқ қонунчилигини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Чунки бу борада, айниқса, молиявий жарималарни қўллашда айрим муаммолар ҳам учраб турибди. Буни қуйидаги мисолларда ҳам яққол кўриш мумкин.

Адлия вазирлигига Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган "Наргиз тижорат" хусусий фирмаси раҳбари Т.Соатов мурожаат қилиб, Мирзо Улуғбек тумани давлат солиқ инспекцияси ўзига нисбатан нотўғри молиявий жарима қўллаганини билдирган. Маълум бўлишича, инспекциянинг 2001 йил 29 август куни қарори билан хусусий фирмага 112056 сўмлик арoқ ва вино маҳсулотларни жисмоний шахсдан олиб сотгани учун энг кам иш ҳақининг 100 баровари миқдорида молиявий жарима тайинланган. Қарорнинг қонунийлигини ўрганиш жараёнида унинг ноқонунийлиги аниқланди. Адлия бошқармасининг тақдимномасига асосан инспекция томонидан қарор қайтадан кўриб чиқилиб, мазкур жарима бекор қилинди.

Шунга ўхшаш ҳолатни "Квант алоқа" хусусий корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур корхона Яккасарой тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан текширилиб шу йил 4 апрел куни 2286870 сўм молиявий жарима қўлланилган. Корхона раҳбарияти Адлия вазирлигига йўллаган аризасида молиявий жаримадан норози эканини билдирган. Адлия бошқармаси аралашуви билан корхона раҳбарияти инспекцияга қўшимча ҳужжатлар тақдим этди. Давлат солиқ инспекцияси томонидан молиявий жарима тўғрисидаги қарорга ўзгартириш киритилиб, 41900 сўмга камайтирилди.

Шу ўринда бу каби муаммоларнинг келиб чиқиш сабаби нималардан иборат деган саволнинг туғилиши табиий. Бизнингча, молиявий жаримани белгилашда хўжалик юритувчи субъект — солиқ тўловчининг ҳеч қандай ҳуқуқларга эга эмаслиги, қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилиш тартибининг йўқлиги, қарорнинг қонунийлиги назорат тартибида кўриб чиқилмаслиги каби сабаблар ана шундай муаммоларни юзага келтириб чиқармоқда. Яна бир сабаб шундан иборатки, солиқ идораларининг компьютер дастурида Солиқ Кодексининг 133-моддаси талаблари инобатга олинмаган. Ушбу моддага кўра, агар солиқлар ва йиғимларнинг бирон тури бўйича ортиқча тўланган маблағ бошқа тур бўйича боқиманданинг ўрнини қопласа, солиқ тўловчи солиқ ва йиғимларни тўламаганлик ёхуд тўлиқ тўламаганлик учун жавобгарликдан озод этилиши лозим.

Албатта, бир қарашда устаманинг компьютер дастурида ҳисобланиши тўғри кўринади. Аммо айрим ҳолларда дастур мукаммал эмаслиги сабабли солиқ тўловчиларнинг манфаатларига зарар етказилмоқда. Бу эса ҳақли норoзиликларни келтириб чиқармоқда.

Маълумки, молиявий жарима юзасидан қабул қилинган қарор юридик ҳужжат бўлиб, ўз моҳияти жиҳатидан солиқ тўловчига жазо санкция белгилайди. Амалдаги қонунчилигимизда белгиланган жавобгарлик жиноий, маъмурий, фуқаровий, интизомий эканлигидан қатъий назар, барчасини тартибга соладиган процессуал ҳуқуқ мавжуд. Бизнинг қонунчилигимиз учун янгилик бўлган молиявий жарималарни тайинлаш жараёнининг ҳам процессуал ҳуқуқ базасини яратиш лозим. Унга солиқ идорасини ҳолат аниқланган вақтдан бошлаб қанча муддатда қарор қабул қилиши, бу жараёнда солиқ идораси ҳамда солиқ тўловчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қарорнинг кучга кириш, ижро қилиш муддатлари, шикоят қилиш тартиби, қарор ижросини тўхтатиб туриш ва бошқа шу каби процессуал қоидаларни киритилса, кўрсатиб ўтилган муаммолар барҳам топар эди.

**Б. АМИНОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Xabar

## ИЖРО ЖАРАЁНИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Жорий йилда ижро этиш бошланган **"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги Қонун мамлакатимиз ҳуқуқ тизимига ўзига хос янгиликлар олиб кирди. Алоҳида ижро тизими яратилибгина қолмай, унинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорлиги қонун асосида мустаҳкамланди. Бир вақтлар суд қарорлари қоғозда қолиб кетиши кўп кузатилган бўлса, эндиликда ижро жараёнида изчиллик яққол кўзга ташланмоқда.

— Ижро ҳаракатининг қонунда белгиланган муддатда тез ва сифатли амалга оширилишида ички ишлар идоралари билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади, — деди суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техникавий жиҳатдан ва молиявий таъминлаш Департаменти директори ўринбосари Баҳодир Янгибоев ЎзА мухбирига. — Бу борада ҳамкорликни тўлиқ таъминлаш, мажбурий ижрони амалга оширишда биргаликдаги фаолиятни мувофиқлаштиришга оид кўрсатма — лойиҳа ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Ижро жараёнида жамоат тартибини сақлаш, шунингдек, айрим ҳолларда қонун олдидаги мажбуриятини бажаришдан бош тортиб, бекиниб юрган қарздорларни қидириб топишга ички ишлар бўлимлари ходимларининг саъй-ҳаракатлари иш самарадорлигини ошираётир.

Биргина тадбиркорлар фойдасига ундирувларга оид ижро ҳужжатларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ижро ишининг тезкор таъминланиши йўлга қўйилганлиги боис ўтган даврда улар фойдасига 1,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ ўз вақтида ундириб берилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

O'ZBEKISTON

кеча, бугун, эртага

*Тошкент трактор заводи ташкил этилганига 60 йил тўлиши муносабати билан Президент Ислом Каримов завод меҳнат жамоасига табрик мактуби йўллади.*

* * *

*Олий Мажлисда "Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шарти сифатида нодавлат, нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш" мавзуида анжуман бўлиб ўтди.*

* * *

*Тошкентда Япония ҳукуматининг кичик ҳажмдаги лойиҳаларга беғараз ёрдам кўрсатиш дастури доирасида ажратилган навбатдаги 260 минг АҚШ долларидан ошувчи грантлар бўйича шартномалар имзоланди.*

* * *

*Самарқанд Давлат Меъморчилик ва қурилиш институтида "Замонавий қурилиш ва меъморий обидаларни тиклашда геотехника муаммолари" мавзуида халқаро симпозиум бўлиб ўтди.*

* * *

*Япония маданияти кунлари доирасида Тошкентдаги Амалий санъат музейида кунчиқар мамлакат ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазма очилди.*

* * *

*Қува туманидаги "Анор" ашула ва рақс дастаси Хитой Халқ Республикасига ижодий сафарга жўнаб кетди.*

* * *

*Тошкент Давлат Техника университетида «Конституция боғи» барпо этилди.*

* * *

*Миллий матбуот марказида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.*

* * *

*Афғонистоннинг "Ariana Afghan Air Lines" авиакомпанияси 20 йиллик танаффусдан сўнг Европага ўз самолётларини учира бошлади.*

Sud islohotlari

## РАИС ЖАРИМА ТЎЛАДИ

**"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги Қонун суд ислоҳотларини янги босқичга олиб чиқди. Мазкур қонун амалиётга жорий этилгандан сўнг суд ҳужжатлари, холислар судининг қарорлари, нотариуснинг ижро хатлари, меҳнат низолари комиссиясининг гувоҳномалари, ишларни маъмурий тартибда кўриш ваколатига эга бўлган идораларнинг қарорлари бўйича чиқарилган ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш суд ижрочилар зиммасига юклатилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мажбурий ижро этиш чоралари ижро ҳужжати расмийлаштирилган ҳолда суд ижрочиси томонидан қарор қабул қилингандан сўнг қўлланилади. Суд ижрочиси қарздорга ихтиёрий равишда ижро этиш учун белгиланган беш кунлик муҳлат ўтгандан сўнг мажбурий ижро этиш чораларини қўллашга ҳақли. Мажбурий ижро этиш чораларига қарздорларнинг мол-мулкини хатлаш ва мусодара этиш, ижрони қарздорнинг иш ҳақи, стипендияси, пенсияси ва бошқа турдаги даромадларига қаратиш каби мажбурий чоралар киради. Ана шу чораларни амалга оширишда Арнасой туманида ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда.

Мисол учун айтадиган бўлсак, суд ижрочилари талабларини ўз вақтида бажармагани ва нафақа пулларни кўрсатилган муддатларда тўламагани учун Арнасой "МТП" ДАЖ корхонаси бош ҳисобчиси Ҳусан Аҳмедов, "Андижон" фермер хўжалик уюшмаси бош ҳисобчиси Сайдулло Шовлимов, "Олтин водий" фермер хўжалик уюшмаси бош ҳисобчиси Абдурасул Тожиев ва Пахтакор пахта тозалаш корхонаси бош ҳисобчиси Бухорбой Ибодов жарима жазоси билан жазоланди.

Фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судининг ҳал қилув қарорига асосан "Андижон" фермер хўжаликлари уюшмаси ҳисобидан фуқаро Рафиқ Охунов фойдасига 280 000 сўм иш ҳақи пулини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари Арнасой туман суд ижрочилари бўлинмасига шу йилнинг феврал ойида келиб тушди. Бу ижро ҳужжатларига асосан суд ижрочилари бўлинмаси томонидан ижро иши қўзғатилиб, тегишли қарор чиқарилди ва уюшма раҳбари Х. Азимов 5 кунлик муҳлат ичида Рафиқ Охуновга иш ҳақини тўлаши лозимлиги ҳақида огоҳлантирилди. Лекин Х. Азизов бир ойдан зиёд муддатда фуқаро Рафиқ Охуновни сарсон-саргардон қилди. Шундан сўнг суд ижрочилари томонидан раисга биринчи маротаба жарима жазоси қўлланилди ва унинг чўнтагидан нақд 19725 сўм давлат фойдасига жарима ундирилди. Шунингдек, хўжаликнинг юз минг сўмлик мол-мулки хатланиб, иш ҳақи ҳисобида Р. Охуновга бериладиган бўлди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, суд ижрочисининг ўз ваколати доирасидаги талабларини барча жисмоний ва юридик шахслар бажаришга мажбурдир. Зеро, суд ижрочиси талабларини бажармаслик, унинг зиммасига юкланган вазифаларни бажаришга монелик қилувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади. Бу эса суд қарорларини ижро этишнинг ишончли кафолатидир.

**Нуриддин ПАРДАЕВ,**
**Жиззах вилояти**

## "ИНСОН ва ҚОНУН"га

### ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

**Андижон вилоят прокуратураси томонидан "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетасининг 2002 йил 23 июл кунги 29-сонида чоп этилган "Излар босиладими(ми?)" сарлавҳали мақола ўрганиб чиқилди.**

**Аниқланишича, Марҳамат туман прокуратураси томонидан "Пахтабанк" туман бўлимида ўтказилган текширишда мазкур банк бошқарувчиси М.Умаров мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, 2001 йил октябр-декабр ойларида туман Халқ таълими бўлими ходимларига иш ҳақи учун берилиши лозим бўлган 43 миллион сўм пул маблағларини бошқа мақсадларда 30 та ташкилот ва хусусий фирмаларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиб юборган. Бунинг натижасида шу даврлар учун туман халқ таълими бўлими ходимларига иш ҳақлари ўз вақтида берилмаган.**

**Ушбу ҳолат юзасидан Марҳамат туман прокуратураси М. Умаровга нисбатан Жиноят Кодексининг 205-моддаси 2-қисми "в" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилган ва айблов хулосаси билан суд муҳокамасига юборилган.**

**Марҳамат туман жиноят ишлари бўйича судининг ҳукми билан судланувчи М. Умаров Жиноят Кодексининг 205-моддаси 2-қисми "в" банди билан айбли деб топилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг олти юз баравари миқдорида жарима жазоси тайинланган.**

**Мақола Марҳамат туман прокурори Б.Йўлчиев томонидан ушбу қонунбузилиш ҳолатлари бошқа мансабдор шахслар томонидан содир этилишини олдини олиш ва бошқаларга ўрнак бўлиш учун ҳамда ҳуқуқ тарғиботи сифатида тайёрланганлиги маълум бўлди.**

**К. МАМАТОВ,**
**Андижон вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси**

* * *

**Газетанинг 2002 йил 6 август сонида чоп этилган "Қораянтоқда ким «қора тикан?" сарлавҳали мақола туман ҳокимлиги бош инспектори Ш. Рўзметов томонидан 2002 йил 30 августда ва 5,9 сентябрда "Хоразм" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси К.Эшниёзов, молия ҳисоб маркази бошлиғи К.Жуманиёзов, ер тузувчи С. Хўжамов, "Қораянтоқ" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Э.Хударганов ва муаллиф С.Жуманиёзов билан ҳамкорликда кўриб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам С. Жуманиёзовнинг ўғиллари Г. Жуманиёзов хўжалик хазинасига 0,10 гектар тендер ери учун 2000 йил 2 декабрда 7-сонли кирим ордери билан 30 минг сўм, В. Жуманиёзов ҳам 0,10 гектар тендер ери учун 2000 йил 2 декабрда 8-сонли кирим ордери билан 30,0 минг сўм тўлашган. Ширкат хўжалиги ер тузувчиси С. Хўжамовнинг айби билан юқоридаги фуқароларга "тендер" ери ўз вақтида ўлчаб берилмасдан, уларнинг оиласига моддий ва маънавий зарар етказилган.**

**2002 йил буғдой ҳосили ўриб-йиғиб олингач, Жуманиёзовлар оиласига 5-бригада ҳудудидан 0,60 гектар ер ўлчаб берилган. Ушбу ерга улар томонидан шоли экилганлиги аниқланди.**

**Ширкат хўжалиги ер тузувчиси С.Хўжамов фуқароларнинг қонуний мурожаатларига эътиборсизлик қилиб, масъулиятсизликка йўл қўйгани учун хўжалик бошқарувининг 2002 йил 10 сентябрдаги қарорига асосан интизомий жавобгарликка тортилиб, ойлик маошидан 30 фоиз ушланган. Шунингдек, туман прокуратураси томонидан ширкат хўжалигида экин ерларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.**

**Ш. БЕКЖОНОВ,**
**Боғот туман ҳокимининг биринчи ўринбосари**

Huquqiy ma`rifat

# ҲАҚИҚАТ ТАМОЙИЛИ

## У ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ҚАНДАЙ ЎРИН ТУТАДИ?

**ИККИНЧИ МАҚОЛА**

Адолат ғояси нафақат жиноят-процессуал фаолиятнинг провард натижаси ҳақидаги тушунчани, балки унга эришиш воситаларининг ҳам шу мезонга мос шаклда бўлишини тақозо этади. Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида Жиноят-процессуал Кодексига киритилган "Ярашув тўғрисида"ги ишларни юритиш моҳият-эътибори билан ана шу тамойилни янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. Бироқ мазкур юритув шаклининг ҳали кўплаб назарий муаммолари мавжудки, шулардан асосийси айбланувчи (гумон этилувчи, судланувчи) ва жабрланувчининг ярашганлиги натижасида юритиладиган ишларда шахс процессуал муносабатининг вужудга келишидаги процессуал мавқе масаласидир. Бу ўринда гап агар айрим тоифадаги жиноят ишлари айбланувчи (гумон этилувчи, судланувчи) ва жабрланувчининг ярашганлиги туфайли тугатилиши мумкинлигини қонун чиқарувчи эътироф этгани ҳолда ана шундай ишларнинг вужудга келишида пайдо бўладиган ҳолатлар ҳақида кетмоқда. Мисол учун айтадиган бўлсак, жиноий таъқиб масаласини фуқароларнинг хоҳиш-истаги ва иродасига боғлиқ ҳолда ҳал этиш мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳали тўлиқ ечимини топмаган. Бу каби мулоҳазалар айниқса жиноят процессига хусусий айблов юритуви шаклини жорий этиш масаласига тааллуқлидир.

Жиноят процессининг моҳиятини белгилайдиган **иккинчи** аниқлов эса махсус-процессуал тушунчани ташкил этади. Бу тушунчанинг мезонлари ЖПКнинг 455-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра, суд қабул қиладиган ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шарт. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, қонун чиқарувчи бу модданинг мазмунига мувофиқ адолат тушунчасини қонунийлик ва асослилик каби процессуал категориялардан алоҳида тушунчага ажратади. Мазкур моддада таъкидланишича, ҳукм қонуннинг барча талабларига амал қилган ҳолда чиқарилган бўлса, қонуний, агар у ишнинг ҳақиқий ҳолатига монанд тарзда, яъни иш бўйича ҳақиқат аниқланган бўлса, асосли деб эътироф этилиши лозим.

Қонун чиқарувчи бу моддада адолат категориясини фақат айбдорга тайинланадиган жазо тушунчасига нисбатан қўллайди. Шу боис жазони қўллашда айбдор қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражаси ва шахсини эътиборга олиш тавсия этилади.

Мазкур қонун меъёрининг мантиқий асосини таҳлил этадиган бўлсак, ҳукмнинг асосли, яъни ҳақиқат аниқланган ҳамда адолатли жазо тайинланиши ҳақидаги тушунчалар амалда бир-бирини тақозо этувчи уйғун тушунчалар экани маълум бўлади. Чунки адолатли жазо фақат ҳақиқат ўрнатилганидагина тайинланиши, ҳақиқатнинг аниқланиши эса адолатли жазо тайинлаш учун пойдевордир.

Энди суд акти – ҳукмнинг қонуний бўлиши ва адолат ўртасидаги мувозанат ҳақида мушоҳада юритадиган бўлсак, "адолатли жазо" ва "қонун асосида белгиланган жазо" тушунчалари ўртасида назарий жиҳатдан фарқ мавжуд бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, қонун асосида тайинланган жазо ҳар доим ҳам адолатли бўлмаслиги сингари адолатга мос жазони тайинлаш мақсади эса доим ҳам қонунда ўз аксини топавермайди.

Хусусан, "жиноий жавобгарлик" муаммоси асосан жиноий жавобгарликнинг бирламчи унсурлари – қилмиш учун айбнинг мавжудлиги ҳамда қилмишни содир этганнинг шахсига оид муаммолар билан боғлиқ. Бу борада фикр юритган баъзи ҳуқуқшунослар жазога тортиш учун шахс омилини етарли мотивацияга эга эмас деб ҳисобласа, айримлар шахс омили, яъни унинг "ижтимоий хавфли"лиги жавобгарликка тортишнинг асосий мезонларидан бири эканлигини таъкидлашади.

Маълумки, жиноий жавобгарликнинг ҳуқуқий белгиси шахс томонидан жиноят қонунида белгиланган ижтимоий хавфли ҳаракатнинг содир этилишидир. Бу тушунча жиноий қилмишни содир этган шахс зиммасига жамият томонидан жазога тортилиш мажбурияти юклатилади, деган маънони англатади. Шу боис жиноят ҳуқуқи фанида қўлланиладиган жиноий жавобгарлик тушунчаси аслида жазога тортилиш, жазоланиш тушунчасини англатади. Аммо Жиноят Кодексига биноан шахс фақат айб учун жавобгар бўлиши мумкин (9-модда).

Мазкур қоида мантиқий тарзда икки кўринишдаги хулосага келишга асос бўлади. Уларнинг биринчиси преюдиция деб аталиб, у шахс фақат айбдорлиги исбот этилган қилмиши учунгина жавобгар бўлиши мумкинлигини назарда тутади. Иккинчи кўриниш шундан иборатки, бунда шахс фақат айбли қилмиши учунгина жавобгар бўлади. Яъни шахс фақат юз берган ҳодисанинг оқибати учун айбли бўлганлиги сабабли жазога тортилади (ЖК 16-модда). Шундан келиб чиққан ҳолда жиноят ҳуқуқида жавобгарлик деганда шахснинг айби аниқланганлиги ҳамда у фақат ўзининг қилмиши натижасида юз берган оқибат учун келиб чиқиши тушунилади.

Шу билан бирга мазкур илмий мунозаранинг асосида шахс омилининг муҳим ўрин тутишини айтиб ўтиш лозим. Жиноят Кодексининг 34-моддасига мувофиқ, унинг махсус қисмида кўзда тутилган жиноий қилмишларни тартибловчи моддаларда белгиланган. Бунда шахснинг ижтимоий хавфлилик мақоми жавобгарликнинг даражасига, демакки, тайинланадиган жазо ҳажмига бевосита таъсир этувчи мезон ҳисобланади.

Бироқ қонун чиқарувчининг мазкур ёндашуви жуда баҳсли бўлиб, амалиётда у ўзини тўлиқ оқламаяпти. Жумладан, ҳаётда жуда кўп учрайдиган воқеа — ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган қилмиш, ўзининг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра биринчи маротаба жавобгарликка тортилган шахснинг қилмишидан хавфи жиҳатдан анча кам бўлиши мумкин. Лекин уларга тайинланадиган жазо эса деярли бир хил. Бу эса ижтимоий хавфи кам қилмишни содир этган хавфли ёки ўта хавфли рецидивист шахсга тайинланадиган жазонинг ниҳоятда оғирлигидан далолатдир.

Масалан, ЖКнинг 97-моддаси 1-қисмида айтилишича, айбни оғирлаштирмайдиган ҳолатда қасддан одам ўлдирганлик учун биринчи маротаба жавобгарликка тортилган шахс агар суд томонидан айбдор деб топилса, ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум этилиши мумкин. Аммо қиймати унча баланд бўлмаган мулкни ўғирлаган ўта хавфли рецидивист ҳам қилмиши учун саккиз йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум этилади. Бу ўринда қайси жиноят жамият учун хатарлироқ эканлигини исбот қилишнинг ҳожати бўлмаса керак.

Шундай бўлгач, турли ижтимоий ҳолатларнинг таъсирида жиноятчилик гирдобига кирган шахснинг жавобгарликка тортиш масаласи амалда икки омил — айб, яъни реал ҳодисанинг содир этилганлиги ва шахс омилига асосланган.

Бу эса жавобгарликка доир қонун чиқарувчининг ўзи эътироф этган тамойилга (ЖКнинг 9-моддаси) зиддир. Зеро, жиноий қонун тартиблаган қилмишларни қасддан содир этилишининг ўзи уни содир этган ҳар қандай шахсни жамият учун хавфли шахс сифатида эътироф этиш учун асосдир. Шу сабабли, Жиноят Кодексида жазо объективлашган – моддийлашган тушунчага эга. Шахснинг аввал жиноий жавобгарликка тортилганлиги эса амалда жазони объектив қилмиш учун эмас, балки субъектив – шахснинг аввал жавобгарликка тортилганлиги учун белгилашни англатади, яъни жазони субъективлаштиради.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, қонун доирасида ҳукм қилиш ва адолатли жазога тортиш масаласининг назарий муаммоси ҳали тўла ўз ечимини топгани йўқ. Албатта, бу масаланинг жиноий-ҳуқуқий муаммоларига турли хил муносабатлар билдирилмоқда. Бироқ улар муайян қоида ёки тизим шаклига келтирилмаган. Бу борада биз шундай таклифни илгари сурамиз: мазкур муаммони жиноят-процессуал усулда ҳал этиш учун жиноят-процессуал ҳуқуққа муайян чегарада амалга ошириладиган "суд прецеденти" қоидасининг элементларини киритиш лозим. Бу ҳолат жиноят-судлов юритувида "қонун" ва "адолат" тушунчаларини уйғунлаштиришга ҳамда унинг такомиллашувига туртки бўлади.

**Фахриддин МУҲИТДИНОВ,**
**юридик фанлари номзоди**



*Моҳир қўллар мўъжизаси*

Muloqot

# УЧ САВОЛГА УЧ ЖАВОБ

**1-САВОЛ:** ***Мен чет элга хизмат сафарига бориб, у ерда муайян муддат ишламоқчиман. Хизмат сафарим тугаб, юртимизга қайтишда ўз эҳтиёжим учун 1 донадан музлатгич, кондиционер ва телевизор олиб келмоқчиман. Бу товарларни сотиш учун эмас, рўзғоримда фойдаланиш учун олиб келаётганимни инобатга олган ҳолда уларга қанча миқдорда божхона тўловларини тўлашим керак?***

**ЖАВОБ:** *Жисмоний шахс томонидан ўз эҳтиёжи учун қуйидаги товарлар божхона чегараси орқали олиб келиниши мумкин (уларга белгиланган қиймат шартли равишда олинди).*

*а) Қиймати 500 АҚШ долларига тенг бўлган 1 дона музлатгич;*

*в) қиймати 450 АҚШ долларига тенг бўлган 1 донав кондиционер;*

*с) қиймати 200 АҚШ долларига тенг бўлган 1 дона телевизор;*

*Ушбу товарларнинг умумий божхона қиймати 1150 АҚШ долларига тенг бўлганлиги сабабли ўрнатилган тартибда божхона расмийлаштирилуви амалга оширилиб, бунда:*

*1000 АҚШ долларигача бўлган миқдорига божсиз олиб кириш қоидаси қўлланилади, қолган 150 АҚШ доллари миқдоридан 20 фоиз қўшимча қиймат солиғи (формула бўйича) 20 фоиз миқдорида жисмоний шахслардан ундириладиган йиғим ва 0,2 фоиз миқдорида божхона расмийлаштируви учун йиғим миллий пул бирлиги — сўмда ундирилади.*

**2-САВОЛ:** ***Мен чет элга саёҳатга бориб, Ватанимизга қайтишда у ердан тижорат қилиш мақсадида 2 донадан музлатгич, кондиционер ва газ плитасини олиб келмоқчиман. Ушбу товарларга қанча миқдорда божхона тўловларини тўлашим лозим?***

***Товарларнинг қиймати шартли равишда қуйидагича олинди:***

***а) Қиймати 400 АҚШ доллари миқдорида бўлган 2 дона музлатгич;***

***в) қиймати 400 АҚШ доллари миқдорида бўлган 2 дона кондиционер;***

***с) қиймати 200 АҚШ доллари миқдорида бўлган 2 дона телевизор***

***Товарларнинг жами қиймати 2000 АҚШ долларини ташкил этмоқда.***

**ЖАВОБ:** *Ушбу товарлар тижорат мақсадларида олиб келинадиган бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 июл куни эълон қилинган 248-сонли қарорига асосан шу йилнинг 1 августидан бошлаб 90 фоиз, яъни 1800 АҚШ доллари миқдорида божхона тўлови ва телвизорнинг қийматидан 45 фоиз, музлатгичнинг қийматидан 20 фоиз миқдорида миллий пул бирлиги – сўмда акциз солиғи ундирилади.*

*Божхона расмийлаштируви товарларга божхона юк баённомасини тўлдириш орқали амалга оширилади.*

***3-САВОЛ: Мен чет элдан ўз эҳтиёжим учун 1 дона телевизор (қиймати шартли равишда 200 АҚШ доллари) ва 1 дона чангютгич (қиймати шартли равишда 100 АҚШ доллари) олиб келсам, улар учун қанча божхона тўловлари ундирилади?***

**ЖАВОБ:** *Бундай ҳолатда божхона чегараси орқали олиб келинган ва баён этилган битта телевизор ва 1 дона чангютгичдан ўз эҳтиёжи учун олиб келинган товар деб қаралиб, улардан божхона тўловлари ундирилмайди. Шунингдек, "Т-6" шаклидаги баённома тўлдирилади ва божхона расмийлаштирилуви амалга оширилади.*

**Саволларга Давлат Божхона Қўмитаси божхона тарифларини тартибга солиш ва тўловлар бошқармаси бошлиғи Абдуманнон ХАЛИМОВ жавоб берди.**

Jahon tajribasi

***Адолатли ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда адвокатуранинг ўрни беқиёс. Шу боис бу соҳадаги ислоҳотларни изчил давом эттириш, унинг жамиятдаги мавқеини кўтаришда жаҳон тажрибаси, тараққий этган давлатларнинг илғор қарашларини ўрганиш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш фойдадан холи бўлмайди.***

***Шу маънода Германия адвокатура тизими ҳақида сўз юритишни лозим топдик. Хўш, бу мамлакатда адвокатура тизими қандай ташкил этилган? Унинг ҳуқуқ ва имтиёзлари нимадан иборат? Афзал жиҳатлари-чи?***

***Бу саволларга қуйидаги мақоладан жавоб топишингиз мумкин.***

# ГЕРМАНИЯ: АДВОКАТУРА ТИЗИМИ

Германияда адвокатура тизими қонун билан қатъий тартибга солинган. Бу фикрнинг исботи тариқасида мамлакат Бундестаги томонидан 2000 йил 9 мартда қабул қилинган **"Адвокатура тўғрисида"**ги янги қабул қилинган федерал қонунни келтириб ўтиш ўринлидир.

Мазкур қонунга кўра, Германияда адвокатура институти суд ишининг мустақил ташкилоти ҳисобланади. Бу адвокат эркин касб билан шуғулланади ва унинг фаолияти ҳунар ҳисобланмайди деганидир. Адвокат мустақил маслаҳатчи ва барча ҳуқуқий масалаларга вакил сифатида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Унинг суд ва арбитражлар ёки идоралар олдида турли хил ҳуқуқий масалалар бўйича чиқиши ҳуқуқини фақат Германиянинг федерал қонуни ("Адвокатура тўғрисида"ги қонуннинг 1-қисми, 1,2,3-бандлари) чеклаши мумкин.

Бундан ташқари, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш мамлакатда амалда бўлган судьялар тўғрисидаги қонунга мувофиқ билим даражаси судьялик вазифасини эгаллашга имкон берадиган ёки адвокатлар таркибига кириш бўйича талабларни бажара олган ёхуд 2000 йил 9 мартдаги Германияда Европа адвокатлари фаолияти тўғрисидаги қонунга мувофиқ касбий яроқлилик бўйича имтиҳон топшира олган шахсларга рухсат этилади.

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатнома юридик институтни битирган, яъни юриспруденция бўйича иккита давлат имтиҳонини топширган шахсларга аризаси бўйича берилади.

Юридик университетининг биринчи давлат имтиҳонини топширгандан сўнг талабага тўлиқ ўқув курси доираларида 2 йиллик пул тўланадиган амалий иш фаолиятини ўташ таклиф қилинади (ёки референдар деб аталадиган муддатни), бундай фаолият масалан, адвокатлик идоралари ва судлар (камида 4 ой), прокуратура, адлия бошқармаси аппаратлари (адлия вазирлиги, давлат ташкилотларининг юридик бўлимлари ва бошқаларда 3 ой), федерал ерлар адвокатлар палатаси (8 ой) каби муассасаларда олиб борилади.

Референдар муддатни ўтаб бўлгандан кейин талаба иккинчи давлат имтиҳонини топшириш ҳуқуқига эга бўлади. Имтиҳоннинг муваффақиятли топширилиши талабага судья, адвокат, прокурор ёки Германиянинг давлат муассасаларидаги раҳбарлик лавозимларини эгаллаши учун тўла ҳуқуқ беради.

> **МАЪЛУМОТ УЧУН:** ***Германияда гимназияни битирган, яъни гимназиянинг битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган ёшлар юридик институтларга кириши мумкин (университетга киришнинг ягона шарти юридик йўналишдаги фанларни камида учта чет тилини яхши билиш, компьютерда ишлай олиши керак. Одатда, университетда ўқиш уч йилдан тўрт ёки тўрт ярим йилгача давом этади. Ўқишнинг бу даврида талаба 2 та давлат имтиҳонини топшириши лозим. Биринчи давлат имтиҳонини топширган талаба ўрта юридик маълумот (ёки тўлиқ бўлмаган) ҳақидаги дипломни олади ва у юридик муассасалар ва адвокатлик идораларида референт, адвокат ёки судьяларнинг котиб-ёрдамчиси, суд ижрочиси, полициячи, архив ходими, нотариус, юридик идоранинг ҳисобчиси каби вазифаларда ишлаш ҳуқуқига эга бўлади.***

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат олиш тўғрисидаги ариза адлия ер бошқармасига берилади. У шахсга адвокатлик фаолияти учун лицензия беришдан аввал ариза берувчи адвокатлик фаолияти билан шуғулланишни хоҳлаган ҳудудда адвокатлар ер палатаси бошқарувидан хулоса олиши керак. Ер адвокатлари палатаси 2 ой давомида шахснинг адвокатлик фаолияти учун яроқлилиги тўғрисидаги ўз хулосасини тақдим этиши лозим. Адвокатлар палатаси 2 ой давомида хулосани тақдим эта олмаган ҳолларда, у адлия бошқармасига хулоса беришнинг кечикиш сабабларини маълум қилиши лозим. Акс ҳолда ер адлия бошқармаси адвокатлар палатаси учун ариза бўйича белгиланган муддатда тақдим этмасдан, айни вақтда унга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун ўз розилигини берди, деб ҳисоблаб, юрист аризаси бўйича қарор қабул қилишга ҳақли.

Агар адвокатлар ер палатаси ўз хулосасида юристга адвокатлик фаолияти билан шуғулланишни рад этувчи асослар келтирса, у ҳолда адлия бошқармаси унинг аризасини қаноатлантира олмайди. Аммо адвокатлик фаолияти учун адлия бошқармасидан лицензия ололмаган юрист ўз аризаси бўйича суд тартибида қарор қабул қилиниши ҳақида 1 ой давомида адвокатлик судига ариза бериши мумкин.

Адвокатлик фаолияти учун рухсатнома олган ҳар бир юрист мажбурий тартибда адвокатлар ер палатаси аъзоси бўлиши лозим (аъзолик бадаллари йилига 500 немис маркаси ёки 250-300 еврони ташкил этади). Бундан ташқари, адвокат меҳнат фаолиятидан етказиладиган зарар учун жавобгарликдан суғурталаш тўғрисида (бадал йилига 1500 немис маркаси ёки тахминан 760 еврони ташкил этади) ва адвокатлик хизмати жамияти аъзоси бўлиш (аъзолик бадаллари ҳар ойда 105 евро) тўғрисида шартнома тузади.

Адвокатлик фаолиятини амалга оширишнинг муҳим шарти ўз ҳисобидан адвокатлик идорасини очиш ҳамда ўз ходимларига ойлик маошларини тўлай олишга қодирлигини исботлаш ҳисобланади.

Адвокатлик фаолиятини лицензиядан маҳрум қилиш адлия бошқармалари ва ер судлари томонидан амалга оширилади. Қуйидагилар адвокатлик лицензиясидан маҳрум қилиш учун асос бўлиши мумкин: федерал конституцион суд қарорига мувофиқ адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши; суд олдида ўз манфаатини ҳимоя қила олишга лаёқатсизлиги сабабли; иш юритишда жисмоний ва ақлий етишмовчиликлар (тиббий хулоса бўлганда); судья ёки давлат муассасасининг умрбод амалдори қилиб тайинланганда; суд олдида адвокатлик қасамёдини қабул қилмаганда; мол-мулки банкротга учраганда; адвокатлик мақомига мос келмайдиган фаолият билан шуғулланганда; меҳнат фаолияти давомида етказиладиган зарар учун жавобгарликдан суғурталашга бадалларни тўлашдан бўйин товлаш ва бошқа ҳолатларда.



Ҳозирги вақтда Германияда 120 минг нафар адвокат фаолият олиб бормоқда, уларнинг барчаси ўз навбатида Федерал адвокатлар палатаси (ФАП) таркибига кирган 28 та адвокатлар палатасининг аъзоси ҳисобланади.

Германияда ФАП адвокатларнинг мустақил (ижтимоий) ташкилоти ҳисобланади, у ўз вазифаларини бажаришда давлат кузатуви остида бўлади, ҳар бир адвокатнинг манфаатларини федерал даражада ҳимоя қилади. ФАПнинг асосий вазифалари адвокатлик эркинлигини таъминлаш ва адвокатура мақомини демократик-ҳуқуқий давлатда адолатнинг мустақил идораси сифатида сақлаш, янги қонунлар қабул қилинганда ҳуқуқий давлатчиликни таъминлаш, барча оммавий ахборот воситаларига адвокатлик фаолияти тўғрисида маълумотлар беришдан иборатдир. Бундан ташқари, ФАПнинг вазифаларига яна қуйидагилар киради:

- федерал вазирликлар билан ўзаро ҳамкорлик, энг аввал, федерал адлия вазирлиги ва мамлакат Бундестаги билан қонунлар қабул қилиш ёки қонунчилик актларига ўзгартиришлар киритишда хулосалар тақдим этиш, кўриб чиқилаётган юридик масалалар бўйича тинглаш ва музокаралар олиб боришда иштирок этиш;
- федерал ташкилотларда, масалан, адлия вазирлиги, Бундестаг, Бундесрат ва федерал судларда профессионал-сиёсий ваколатлик;
- адвокатлик фаолияти бўйича қоида ва кўрсатмаларни тузиш ва такомиллаштириш;
- хорижий мамлакатларнинг адвокатлик ташкилотлари билан алоқаларни ривожлантириш;
- немис адвокатларининг Европа Иттифоқидаги ваколатлиги ва ҳоказо адвокатлар кенгашида ўзаро ҳамкорлик;
- Бохум шаҳридаги Немис адвокатлар институти дастури бўйича адвокатларнинг касб маҳоратини оширишга кўмаклашиш;
- адвокатларнинг минтақавий палаталарининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш.

Яна шуни айтиш керакки, Германияда адвокатлик фаолиятини тартибга солишга бағишланган адабиётлар ва қўлланмалар мунтазам равишда чоп этиб борилади. Адвокатура тўғрисидаги қонунчилик актлари тўплами шулар жумласидандир. Тўпламга адвокатура тўғрисидаги қонун, адвокатларнинг профессионал фаолияти тўғрисидаги фармойиш, адвокатларнинг ЕИ даги фаолияти қоидалари, адвокатларнинг махсус масалалар бўйича фаолияти тўғрисида фармойиши, адвокатлик фаолияти учун ҳақ тўлаш тўғрисидаги фармойиш, кам иш ҳақи оладиган фуқаролар учун ҳуқуқий маслаҳат ва ваколатлилик тўғрисидаги қонун, эркин касбдаги кишиларнинг шериклик жамиятлари тўғрисидаги қонун, ҳуқуқий маслаҳат тўғрисидаги қонун, Германияда Европа адвокатлари фаолияти тўғрисидаги қонун ва бошқа ҳужжатлар киритилган.

**Эшонкул КАНДИМОВ**
**тайёрлади**

Journalist surishtiruvi

# ДАВОГА МУҲТОЖ БЕМОРХОНА

**МУҚАДДИМА**

"Раҳбарим Эшдавлат Васитов мени асоссиз ишдан бўшатди, — дейилади Ангор туман марказий шифохонасига қарашли "Новшаҳар" қишлоқ врачлик пунктининг собиқ хўжалик бекаси Дилбар Шопўлатованинг таҳририят номига йўллаган шикоят хатида. — Аслида илгари жамоамиз аҳил, ҳаммамиз ўз ишимиз билан машғул эдик. Амбулаториямизга Шоҳсанам Муродова бош ҳамшира этиб тайинланди-ю, муҳит бузилди. Биз Муродова Шоҳсанамнинг ўзбошимчалиги, жамоа аъзоларини менсимаслиги ҳақида туман, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаларига шикоят қилдик. Бош ҳаким Э. Васитов чора кўриш ўрнига, уни қўллаб-қувватлади. Ҳатто бир марта Ш. Муродованинг жиноий ҳатти-ҳаракатлари учун туман прокуратураси томонидан иш қўзғатилиб, вазифасидан четлатилса-да, орадан ҳеч вақт ўтмай у яна аввалги ишига тайинланди. Оқибатда амбулаторияга болаларини тиббий кўрикдан ўтказиш мақсадида келган оддий фуқаролардан пора олганликда айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилди ва туман жиноий ишлар бўйича суди томонидан жазо олди. Аммо не ажабки, бош ҳакимнинг ҳимоясида бўлган бош ҳамширанинг то ҳануз отдан ҳам, эгардан ҳам тушгиси йўқ. Мени эса арзимаган баҳона билан ноқонуний равишда ишдан бўшатишди. Эшдавлат Васитов мени ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруғида "жамоа ўртасида ғийбат ва бўҳтон гапларни тарқатганлиги ва ҳисоб-китоб ишларида чалкашликларга йўл қўйилганлиги учун" деган асоссиз жумлани ёзиб қўйибди. Мен ўз жамоамни яхши кўраман. Ҳеч қачон ўзим ишлаган жамоам ҳақида бўҳтон гапларни тарқатмаганман".

Дилбар Шопўлатова сингари бошлиғи билан зиддиятга бориб, ҳақ-ҳуқуқ талашиб юрган фуқароларни касбимиз тақозосига кўра илк бора учратаётганимиз йўқ. Шикоятчи билан учрашишга бора туриб, хаёлимдан "Қизиқ, жамоада муҳит носоғлом бўлса, бошлиқнинг адолатсизлигига чора топа олмасанг, ўзингга бошқа бирор бир тинчроқ ишхона топганинг маъқул эмасми?"—деган фикр ўтди. Шу саволни шикоят муаллифига бергандик, "мен қорнимга эмас, қадримга йиғлаяпман. Шоҳсанам ва унинг тарафдорлари ҳақ бўлсак ҳам, ноҳақ бўлсак ҳам биз сени қувғин қилдик-ку", деб устимдан кулишяпти. Нима учун икки марта тергов қилинган, бир марта товламачилиги учун судланган бош ҳамшира эмас, мен ишдан ҳайдалишим керак?"—деб жавоб берди у.

**"НОХОЛИС БУЙРУҚ"**

— Шу йилнинг 11 июнида бизга фуқаро Дилбар Шопўлатова ўз вазифасидан ноҳақ олингани ва ишга тиклаш масаласида ёрдам сўраб мурожаат қилганди, — дейди Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедов, — Мутахассисларимиз бу низони ўз вақтида жойида ўрганиб чиқишди. Биз ҳамиша холислик тарафдоримиз. Фаолиятимиз мобайнида бунга ўхшаш муаммоларга кўп марта дуч келганмиз. Балки Д. Шопўлатованинг инсон сифатида феълидаги қусурлар бош ҳаким Э. Васитовга ёқмаслиги мумкиндир. Бировни ёқтириш ёки ёмон кўриш Э. Васитовнинг шахсий иши. Аммо Д. Шопўлатовани жазолашда раҳбар сифатида меҳнат қонунлари кодексини бузган. Унинг "911-Л" сонли буйруғи (19.06.2001) Меҳнат Кодексининг 101-107-108 ва 181-моддаларига зид. Шу сабабли биз бош ҳакимга хат йўллаб, Д. Шопўлатовани олдинги вазифасига тиклаш ва мажбурий бекор юрган вақтлари учун 1,0 ставка миқдорида иш ҳақи тўлашни талаб қилдик. Васитов эса қайсарлик билан даъво муддати ўтиб кетганлиги туфайли фуқаролик суди Д. Шопўлатованинг даъво аризасини кўриб чиқишни рад этганлигини важ қилиб, бизнинг талабимизни бажаришдан бош тортяпти. Ушбу можарода бош ҳаким ноҳақ ва у эртами-кечми ўз хатосини тан олиб, тузатишга мажбур бўлади...

— Бош ҳаким чиқарган буйруқда (№ 911-Л 19.06.2001 й) Д. Шопўлатова шаънига "жамоа орасида турли ёлғон, туҳмат гаплар тарқатган ва ҳисоб-китоб ишларида чалкашликларга йўл қўйган", деган айблов ёрлиқлари сунъий равишда «ёпиштирилган», — дейди шикоят хатини бевосита ўз жойида ўрганган вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари Касаба уюшма қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Даврон Бердиев. — Бош ҳаким ноқонуний буйруғи сўнгида асос қилиб тағин худди ўша буйруқ санаси ва рақамини қайд этган ва "ҳайъат хулосаси" деб якунлаган. Биринчидан, биз ҳайъатнинг ёзма хўлосаси билан танишиб чиқдик. Хулосада ҚВА жамоаси аъзолари жанжални Д. Шопўлатова эмас, балки Ш. Муродова бошлагани ҳақида фикр билдиришган. Иккинчидан, "ҳар хил бўҳтон гап тарқатган" деган гап айтилаяпти-ю, исботланмаяпти. Бу ҳол қонуний исботини топгачгина, Д. Шопўлатовани айблаш мумкин. "Ҳисоб-китоб ишларидаги чалкашлик" деган айблов ҳам атайин ўйлаб топилганга ўхшайди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, нархи 9 сўм турадиган, собиқ СССР давридан қолиб кетган 11 дона тиббий халат амбулаторияга қачон келтирилган? Улар қанча вақтда яроқсиз ҳолга келиб қолади? Нега шу пайтгача ҳисобда турибди?! Д. Шопўлатовани айблашда бош ҳаким тағин битта важни дастак қилмоқда. Гўёки, амбулатория биносини иситиш учун ажратилган 11 тонна 840 кг (68 минг 672 сўмлик) кўмир нотўғри чиқим қилинган.

Ҳақиқатдан ҳам, туман прокуратураси мазкур ҳолат юзасидан Д. Шопўлатова, ҚВА мудири Қурбон Ашуров ҳамда бош ҳамшира Шоҳсанам Муродовани ҳам айблаган.

Тергов ишлари олиб борилган ва мустақиллигимизнинг 10 йиллиги муносабати билан Президентимизнинг **"Амнистия тўғрисида"**ги Фармонига кўра мазкур жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилган.

**(Давоми тўртинчи бетда.)**

